

Идрок ўзига вақт (замон), ҳаракат-ҳолат, фазо (макон), сифат (хосса-хусусиятлар) шакллари ёрдамида атроф-муҳитнинг, ижтимоий турмушнинг моҳияти юзасидан ахборотлар қабул қилади. Сўзловчи эса ўз тили имконияти ва ўзининг интеллектуал лингвомаданий ва бошқа билим-тажрибаларига асосланган ҳолда ўз тилидан фойдаланади ва бу ахборотларни нутқ актида турли нарса, ҳодиса кабиларни модификациялаш жараёнида фойдаланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Болдырев Н.Н. Язык как интерпретирующий фактор познания – в сб. теоретические основы языковой интерпретации. Тюмень. Изд. ТГУ, 2016, 19-81 бет.
2. Кубрякова Е.С. Язык и знание. – М. 2006, 750 бет.
3. Кобозева И.М. Лингвистическая семантика. - М. 2000, 280 бет.
4. Пирс Ч. Современная буржуазная философия. М. Политиздат, 1978. 306 бет.
5. SOIBNAZAROVNA, U. S. Theoretical and Comparative Study of Verbs of Motion in Text. JournalNX, 6(11), 59-62.
6. Shakhnoza, U. (2021). Semantic and pragmatic aspects of motion modifiers in discourse. European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 8(1), 695-703.
7. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. Т. Халқ мероси нашриёти. 1993. 330 бет
8. Фалсафий-қомусий луғат. Шарқ нашриёт-матбаа қомпанияси. Т. 2004. 54-57 бет

ТАВТОЛОГИЯ ВА ПЛЕОНАЗМНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Наргиза Жаҳонова – Бухоро давлат университети магистранти (Ўзбекистон).

Илмий раҳбар: Бухоро давлат университети профессори, ф.ф.д. Г.И. Тоирова (Ўзбекистон)

Аннотация: Ушбу мақолада тавтология ва плеоназмнинг ўрганилиш тарихи ҳақидаги илмий қарашлар баён этилган. Тавтология ва плеоназмнинг ўрганилиш тарихи илдизи антик даврдан бошланган бўлиб, кейинчалик жаҳон тилишунослигида чуқурроқ ўрганилганлиги маълум. Тавтология ва плеоназм информатив шаклда маълумот етказувчи экан, матнда аналитик ва синтетик тарзда бўлиб ўрганилади. Аналитик ифода Кант томонидан фанга киритилгани ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида фикр билдирилган. Мақолада тавтология ва плеоназмнинг бир неча луғавий маънолари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ушбу атамаларнинг ўрганилиш йўналишлари хусусида йўналиш кесимлари кўрсатиб берилган.

Аннотация: В данной статье представлены научные взгляды на историю изучения тавтологии и плеоназма. Известно, что история изучения тавтологии и плеоназма восходит к античности и позднее более глубоко изучалась в мировом языкознании. В то время как тавтология и плеоназм передают информацию в информативной форме, в тексте она изучается аналитически и синтетически. Аналитическое выражение было введено в науку Кантом и прокомментировало его содержание. В статье представлена информация о нескольких лексических значениях тавтологии и плеоназма.

Annotation: This article presents scientific views on the history of the study of tautology and pleonasm. It is known that the history of the study of tautology and pleonasm dates back to antiquity and was later studied more deeply in world linguistics. While tautology and pleonasm convey information in an informative form, it is studied analytically and synthetically in the text. Analytical expression was introduced into science by Kant and commented on its content. The article provides information on several lexical meanings of tautology and pleonasm.

Калит сўз: нутқ, бадиий матн, тилишунослик, мантӣқ, аналитик фикр, Кант, Лейбниц, тавсиф, прагматик, компонент.

Ключевые слова: речь, художественный текст, языкознание, логика, аналитическое мышление, Кант, Лейбниц, описание, прагматика, компонент.

Keywords: *speech, literary text, linguistics, logic, analytical thinking, Kant, Leibniz, description, pragmatic, component.*

Тил соҳиби нутқи кўп нукталарда тежамлилик ва ортиқчалик тамойили билан кесишади. Айниқса, бадиий матн яратилишида шахс (ижодкор)нинг тил ҳақидаги билимлари фондини, ушбу фондда тежамлилик ва ортиқчаликнинг доимий яшовчанлигини тадқиқ этиш ўзбекона менталитетга хос бадиий-эстетик фикрлаш тарзини ҳам чуқурроқ ёритишга хизмат қилади.

Бадиий матнда концептуаллашган образли фикр ижодкорнинг индивидуал услубига монанд тарзда тежамлилик ёки ортиқчалик характерида бўлар экан, ижтимоий фаолиятда намоён бўлувчи миллий-этник, фалсафий, ахлоқий, бадиий-эстетик қарашлар мужассам бўлган бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилида ушбу тамойилларнинг ўрнини белгилаш муҳимдир, “жонли” матн – бадиий матнни мазкур икки тамойил билан боғлиқ бадиий-эстетик ва миллий-маданий ҳамоҳанглиги билан юзага келувчи лингвопоэтик хусусиятларини ёритиш танланган мавзунинг долзарблигини билдиради.

Жаҳон тилшунослигида тилдаги тежамлилик ва ортиқчалик масаласига доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, бироқ тилшунослик тарихида мазкур тамойилларни ўзаро қарама-қарши қўйиш устун бўлиб, уларнинг ўзаро диалектик алоқасига жиддий эътибор берилмаган. Тилда тежамлилик тамойилини илмий асосда ўрганиш О.Есперсен, В.Уитни, Ш.Балли, А.Мартине, Бодуэн де Куртенэ, Р.Будагов, Е.Поливанов, А.Потебня, Б.Серебренников, В.Борисов, А.Нурмонов, Н.Махмудов, Р.Будагов, Ю.Апресян, М.Трофимов, М.Юсифов, Г.Инфантова, А.Сковородников, Э.Хауген ва бошқ., Г.Грайс, Д.Салихова, Е.Земская, Ж.Элтазаров, И.Аржанова, В.Елькин, О.Головач, Ф.Ибрагимова, А.Ковригина каби тилшунослар томонидан ўрганилган [1,3,5,6,7].

Тавтология ва плеоназмларнинг турли шарҳлари антик даврлардан бошлаб (Дионисий Галикарнасский, Квинтилиан, Донат ва бошқалар) талқин қилинган. Мантикчиларни тавтологик ва плеонастик ифодаларнинг таҳлили билан боғлиқ бўлган асосий саволи – уларнинг информативлигидадир (маълумот етказувчи вазифаси). Матниқда барча гаплар (айтилган фикрлар) анъанавий тарзда синтетик ва аналитикка бўлинади. Аналитик деб, предикат субъект мазмунидан ташқари бирорта ҳам маъно қўшмайдиган гапларга айтилади, бу гапларнинг ҳаққонийлиги фақатгина мантикий таҳлил орқали ўрнатилади. Синтетик (сунъий) гапларда субъект ўз ичига предикатни олмайди, субъект ва предикат орасидаги зарурий алоқа ташқи маълумотга, мантиқдан ташқари бўлган воқелик ҳақидаги билимларга мурожаат қилиниб ўрнатилади. Гапларни аналитик ва синтетикка (сунъий) бўлиниши нисбий характерга эга. Бирта семантик гуруҳда бирта гапнинг ўзи (масалан, табиий тилда) ҳам синтетик (сунъий) бўлиб чиқиши мумкин, бошқасида эса (масалан, сунъий тилда) – аналитик бўлиши мумкин. Аналитик гапларда “тўғридан-тўғри ўхшаш гаплар” дан ташқари $A=A$ шаклидаги, тавтологик ёки плеонастиклиги синонимлар ёки аниқловчилар асосида ажратиб олинадиган “шартли ўхшаш гаплар” ҳам киради.

Аналитик фикрлаш тушунчасининг ўзи мантиқда Кант томонидан киритилган. Унинг концепцияси аҳамиятли равишда лейбницнинг энг кейинги аналитик ҳақиқатлари билан мос келган. Лекин на Лейбниц, на Кант бу каби гаплар воқелик ҳақида маълумот етказадими, йўқми аниқ жавоб беришмаган. Улар фақатгина бу каби ифодаларнинг қўлланилиши натижасиз ва самарасиз эканлигини кўрсатиб ўтишган [] (Тропольский, 1979; Целищев, 1974).

“Тавтология” атамасини биринчи бўлиб Л.Витгенштейн ўзининг “Мантикий-фалсафий рисоласида” қўллаган. Тавтология деб, у ҳақиқатдан ҳам оддий гапларда “ҳақиқат” ёки “ёлғон” маънолари қўлланилган ҳар бир имкониятга мос тушадиган, тўғридан-тўғри ўхшаш гапларни тушунган. Витгенштейн ва уларнинг издошлари (Р.Карнап, Н.Бар-Хиллел, Я.Хинтиikka, Г.Фреге, Б.Рассел, Г.Беман, Л.Борковский) тавтологияни мантикий-математик жиҳатдан таҳлил қилишган. Тилшуносликда тавтология ва плеоназмларнинг ўрганилиши

ўзининг анчагина узоқ тарихига эга. Қиёсий-тарихий нуқтаи назардан уни XIX асрдаёқ ўргана бошлашган (Э.Бенвенист, А.Мейе, А.А. Потебня). Катта умумназарий аҳамиятга эга бўлган муаммо сифатида тавтологиялар тадқиқотчиларни А.Траурнинг ишлари билан боғлиқликда қизиқтира бошлаган. Е.П.Евгеньевой. Е.П.Евгеньева тавтологияларни рус поэзияси материалида тадқиқ қилган. А.Траур тавтологиялар тизимини гап даражасида ривожланган мавжудлиги ғоясини кенг миқёсдаги далилий материал асосида илгари сурди ва исботлади. Айнан, у тавтологияларнинг анчагина сермахсул турларини румин тилидаги содда гапларда, эргашган қўшма гапларда ва тенг боғловчили қўшма гапларда биринчи бўлиб ажратиб чиқди. Натижада, А.Траурнинг иши асосида, тавтологик гапларнинг немис тилида, инглиз тилида ва бошқа тилларнинг материаллари асосида таснифлари ишлаб чиқилди.

А.Траур ва Е.П.Евгеньеванинг ишлари ортидан тавтологияларнинг катта миқдордаги чоғиштирма-қиёсий тадқиқотлари юзага келди .

Тавтология ва плеоназмлар турли тилларга хос бўлган универсал ҳодиса ҳисобланади. Санаб ўтилган ишлардан ташқари, уларнинг тадқиқоти француз тили материалида, япон ва хитой тилларида, поляк тилида , украин тилида, беларус тилида, озарбайжон тилида, молдаван тилида, кет тилида ва бошқа тиллар материалларида ўтказилган.

Катта ҳажмдаги ишлар қўламига қарамай, лингвистик адабиётда то ҳозирга қадар тавтологиянинг умумий қабул қилинган тавсифи мавжуд эмас. Кўпгина тадқиқотларда тавтология ва плеоназмлар тушунчаларининг араллишиб кетиш ҳоллари учрайди, “плеоназм” тушунчаси баъзида тавтологияга нисбатан гипероним (уруғдошликка хос тушунча) сифатида қўлланилади . Тавтология баъзида оппозиция орқали тавсифланади, масалан, оксюморонга нисбатан, плеоназм эса – эллипсисга нисбатан оппозиция орқали. Баъзи тадқиқотчилар тавтологияни компонентлари бир-бирига нисбатан гипонимик муносабатларда бўлган ифодалар сифатида таърифлашади. Тавтология ва плеоназмларни соф грамматик бўлиниши ҳам мавжуд, унда плеоназм деб бирта тушунчанинг ўзи иккита сўз туркумида тушунилади (масалан, немис тилида: *ein alter Greis*); шу билан бир қаторда тавтология деб тушунчаларни бир хил сўз туркумида ифодалаш тушунилади (масалан, немис тилида: *Sie versicherten einander gegenseitig der Freundschaft*) (Нехлина, 1971).

Тавтология ва плеоназмларнинг аниқ чегараларининг мавжуд эмаслигини баъзи луғатларда келтирилган таърифлардан мисол келтирамиз:

1) *Плеоназм* – тил бирлигида ифодани ортиқча бўлиши сифатидаги доимий хусусияти.

Тавтология – ифоданинг ноўрин ортиқчалиги .

2) *Плеоназм* – бир маънони ўз ичида жамлаган, аксарият ҳолларда ортиқча бўлган нутқ обороти .

Тавтология – аллақачон айтилган тушунчани ифодаланаётган тушунчанинг мазмунини аниқлаштирмайдиган бошқа сўз билан ёки ифода билан такрор белгилаш .

3) *Плеоназм* – ифода воситаларининг лексик ёки грамматик маъноларини етказиб беришда фойдаланиладиган ортиқчалиги .

Тавтология – ифода воситаларининг яхлит ёки бир қисмини такрорланишида намоён бўладиган мазмунидаги ортиқчалик .

4) *Плеоназм* - бир хил ёки синонимик тил birlikларининг семантик жиҳатдан такрор ҳолда қўлланиши.

Тавтология – бир фикрни бошқа сўз ёки сўзлар билан такроран ортиқча ифодалаш, бир сўзни ортиқ такрорлаш.

Тавтология ва плеоназмларни ўрганишда қуйидаги йўналишларни ажратиш мумкин:

1) **Стилистик** (Арнольд, Ахманова, Веселовский, Войлова, Гольцова, Евгеньева, Перевозчикова, Пугач, Руснак ва бошқалар.). Бу йўналишдаги тадқиқотлар асосан экспрессив маъноси ўзгача ифодаланган таркибий турларга хосдир.

2) **Синтактик.** Синтактик йўналиш намоёндалари одатда тавтологик ва плеонастик конструкцияларнинг турли хилдаги синтактик турларини ажратиш билан чекланишади (Кацнавая, Конецкая, Крапоткина, Раманюк, Степанская, Тулина ва бошқалар.).

3) **Расмий грамматик** (Жукова, Ляховецкая, Печерица ва бошқалар). Грамматик плеоназмларнинг лингвистик тадқиқи Ш.Балли томонидан бошланган. Лингвистик адабиётларда грамматик плеоназм атамаси билан бир қаторда грамматик гипертавсифлаш, грамматик ҳаддан ташқари тавсифлаш (сверхарактеризация) атамалари қўлланилади. Бу йўналишдаги тадқиқотларда асосий диққат грамматик шаклларни такрорлашга ёки синонимик такрорлашларга қаратилади. Грамматик плеоназм тил меъёрлари билан шартланади ва турли тилларда намоён бўлади, масалан, мослашувлар тизимида, феълли бошқарув конструкцияларида, гаплардаги иккиламчи инкорларда ва бошқаларда.

4) **Лексикологик (фразеологик).** Бу йўналиш намоёндалари расмий таркибий мезонлар асосида бир ўзакни ва бир лексемани такроридан ясалган фразеологик бирликларни тавтологияларга киритилади. (Бушуй, Голдберг, Евгеньева, 1963; Кацнавая, Конецкая, Костючук, Крапоткина ва бошқалар.).

5) **Лексикографик** (Апресян, Арбатский, Ахманова, Габинский, Котелова, Ратцева, Строганов ва бошқалар.). 70-йиллар лексикографик ишларининг биринчи ўринларида луғавий тавсифларнинг тавтологиклиги муаммоси ўртага ташланади. Изоҳли луғатларнинг кўпгина таърифлари (дефинициялари) ўзининг тавтологиклиги юзасидан нотўғри эканлиги тан олинган. Чунки семантик таърифларнинг тавтологиклигини анъанавий усуллар билан баратараф қилиш мумкин эмас деб ҳисобланган, уларни бартараф этиш учун энг мақбул йўллар тавсия қилинган – вербал таърифларни рад этиш ва уларнинг ўрнида остенсив дефиницияларни (тавсифларни) қўллаш, тавсифлар тилини илмий тилнинг минималига етказиш, сўзларнинг луғавий маъноларини таърифлаш учун ўзига хос янги семантик тилни яратиш.

6) **Семантик** (Никитин, Рахманкулова, Wierzbicka ва бошқалар.). Асосий диққат тавтологик ва плеонастик коспексларнинг семантик жиҳатдан ортиқча мазмунга тўла омилларига қаратилган. *Ортиқчалик* ҳар қандай таркибий жиҳатдан ташкиллашган тизимнинг ажралмас хусусияти ҳисобланади, жумладан, мулоқот жараёнини меъёрий даражада кечишини таъминлаб берувчи табиий тилнинг ҳам (Звегинцев, Глисон, Лайонз). Синтагматик даражада семантик ортиқчалик, тавтология ва плеоназмлардан ташқари, турли хилдаги такрорлашларга, перифразларга, гипо-гиперонимик бирикмаларга ва ҳ.з.ларга ҳам хосдир. Шунинг учун семантик тадқиқотларнинг асосий вазифаси тавтология, плеоназм ва бошқа ортиқча ифодаларнинг чегаравий мезонларини ажратиб беришдан иборатдир.

7) **Прагматик** (Grice, Кифер, Levinson, Harnish, Ward, Hirschberg ва бошқалар.). Прагматик йўналишдаги ишларда тавтологик ифодалар қуйидагича кўриб чиқилган: а) *Грайс сонининг максимаси* каби бузилиш ҳолатларига. Тадқиқотчиларни жалб этган асосий савол – тавтологик ифодаларнинг англаниш шартлари; б) мулоқот вазиятларининг шарҳланишида тавтология ва плеоназмларнинг прагматик имкониятлари ҳам кенг таҳлил қилинган. Йўналишларни ажратиш анчагина шартли, чунки бирта тадқиқот доирасида бир нечта йўналишлар кесишади.

Турли йўналишлар намоёндалари томонидан келтирилган тавтология ва плеоназмларнинг таърифлари, кўпинча турли ҳажмда ва бир-бирига зид. А. П. Евгеньева ўзининг тадқиқотида, мазкур феноменларни “тор” ва “кенг” маъноларда тушуниш мумкинлигини белгилаб ўтади. Тор маънода тавтологиялар таркибига фақатгина бир ўзакли таркибдан ташкил топган кабилар киради. Масалан, Е.П. Евгеньеванинг ўзи тор маънодаги тушунча тарафдори. Кенг маънода тавтологияларнинг (шу жумладан плеоназмларнинг ҳам) ҳар-хил таркибий турлари сўз бирикмаси ва гап даражасида таҳлил қилинади.

А.М.Бушуйнинг таъкидлашича, тавтология ва плеоназмларни ўрганишда турли хил ёндашувларнинг мавжудлиги, бу лисоний ҳодисаларнинг чегараларида ягона тавсифнинг ва

чегара мезонларининг мавжуд эмаслиги уларнинг табиатан қарама-қаршиликлар қуршовида эканлиги билан тушунтирилади [12]. Тавтология ва плеоназмларнинг лисоний табиатининг моҳияти уларнинг икки томонлама тавсифини ташкил этади (М. Х. Иевлева, тавтологияларнинг “қатламли таркибини” ҳаикда гапира туриб, уларнинг ҳатто учта тавсифини ажратади: кейинги маъноси, тарихий хусусияти, дозарб хусусияти. Бир томондан, тавтологиялар, турли таркибий расмийлаштиришларни ўзлаштириб оладиган ва тил даражасига мансуб бўлган аниқ тил бирликлари ҳисобланади. Бошқа томондан, тавтология ва плеоназмлар нутқда лексик тўлдиришни (англаш, фаҳмлашни) ўзлаштириб олади. Шундай қилиб, барча тавтологик ва плеонастик материалларга турли вазифавийлик ва турли таркиблилик хос ҳисобланади. Кўпгина тадқиқотлар етарли даражада тор маънода ҳисобланади ва бу омилни ҳисобга олмайди [4,7,10].

Шунга қарамай, баъзи тавтологияларнинг функционал жиҳатдан таҳлил қилинган тадқиқотларни белгилаб ўтиш жоиз. Л.К. Рахромулова ҳам инглиз тилидаги асосий тавтологик таркибларнинг турларини баъзиларини ажратди. Шундай қилиб, тавтологиялар ва плеоназмларнинг мажмуавий табиати, уларнинг кўп вазифавийлиги ва турли таркиблилиги, тилшуносликда уларни ўрганиш кўп ёндашувлар мавжудлиги билан тушунтирилади.

Охириги йилларда турли тил бирликлари когнитив лингвистика нуктаи назаридан тадқиқ қилинмоқдат. Охириги 40 йилларда илм-фан парадигмасининг тўлиқ ўзгариши – илмий сифатида қабул қилиниши учун назариянинг, гипотезанинг, мулоҳаза юритишнинг қанақа талабаларини қониқтириш зарурлиги ҳақидаги тасаввурлар. Бу ўзгаришлар “когнитив революция” деб аталади. Тил бирликларининг тадқиқоти жараёнида доимий равишда, тил мунтазам тизим эмаслигини исботловчи тўлиқ янги ва қисман янги ҳолатлар кузатилди. Бу жузъий ҳолатларни интерпретация қилиш (шарҳлаш) учун тилшуносларга психология, антропология, маданиятшунослик, физиология, математика, информатика ва бошқа фанлардан билимларни жалб этишни талаб қилди. Шундай қилиб, мажмуавий когнитив фанлардан бири бўлган когнитив лингвистика фани вужудга келди.

Шундай қилиб, такрорлашлар, худди тавтологиялар каби ортикча ифодалар ҳисобланади, аммо такрорлашларнинг компонентлари орасида экспликацион муносабатлар мавжуд эмас. Бу уларни тавтологиялардан ажратиб туради. Стилистик маркировкаланган (белгиланган) перифразда номинатнинг кучли эҳтимолли импликационал семаси перифраз интенционалига транспартирока (ўтказилади) қилинади. Стилистик нейтрал перифразда, худди тавтологиялардаги каби интенционал номинанти перифраз итенционалига тенг. Бирта ифоданинг ўзи ҳам тавтология, ҳам перифраз бўлиши мумкин. Агар тингловчи сўзловчи томонидан ифодаланган нутқ предметини биринчи мартадан декодлай (тушуна) олмаса, унда ифода шарҳловчи перифраз ҳисобланади. Агар нутқ предмети тингловчига маълум бўлса, шарҳлаш ортикча ҳисобланади, барча бошқа ифодалар эса –тавтологик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аржанова И.А. Функционально- коммуникативные и лингвопоэтические функции эллиптических конструкций в современной художественной литературе на английском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1999. – 188 с.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – Москва: Изд-во иностр. лит., 1955. – 416 с.
3. Бодуэн де Куртенэ И.А. Избранные труды по общему языкознанию. В 2-томах. – Москва: Изд-во Акад. наук СССР, 1963. т.1. –384 с.; т.II. – 391 с.
4. Будагов Р. А. Проблемы развития языка. – Москва. Ленинград: Наука, 1965. – 73 с.
5. Грайс Г.П. Логика и речевое общение // Новое в зарубежной лингвистике. Вып. XVI. – Москва, 1985 – С. 217-237.
6. Елькин В.В. Диалогическая речь – основная сфера реализации языковой экономии: Дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 2001. – 220 с.

7. Земская Е.А. Русская разговорная речь: лингвистический анализ и проблемы обучения. – 2-е изд. перераб. и доп. – Москва: Русский язык, 1987. – 240 с.
8. Инфантова Г.Г. Экономия сегментных средств в синтаксисе современной русской разговорной речи: Дисс. ... д-ра филол. наук. – Таганрог, 1975. – 456 с.
9. Мартине А. Основы общей лингвистики. // Новое в лингвистике. Вып. III. – Москва: Иностран. лит., 1963. – С. 366-558.
10. Махмудов Н. Эллипсис в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1978. – 20 с.
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. А.Мадвалиев таҳрири остида (2006-2008). Чоп этилган 13.11.2015 25.03.2018 Муаллиф Ziyouz.uz ...633 –б).
12. Нурмонов А. Ўзбек тилининг фонетик ўзгаришларида экономия принциплари: Филол. фан.канд. ...дисс. – Тошкент, 1973. – 182 б.
13. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т. III. – Москва: Просвещение, 1968. – 551 с.
14. Поливанов Е.Д. Материалы по грамматике узбекского языка. – Вып. 1.– Ташкент, 1935. – 48 с.
15. Поливанов Е.Д. Статьи по общему языкознанию. – Москва: Наука, 1968. – 376 с.
16. Салихова Д.А. Морфологическая система современного татарского литературного языка: Автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Казань, 1986. – 20 с.
17. Сковородников А.П. Экспрессивные синтаксические конструкции современного русского литературного языка. – Томск: Томского ун-та, 1981. – 254 с.
18. Серебренников Б.А. К проблеме сущности языка // Общее языкознание. – Москва: Наука, 1970. – С. 302-307.
19. Трофимов М.И. Фонетические процессы в слове в современном уйгурском языке. – Алма-Ата: Наука Каз. ССР, 1978. – 120 с.
20. Тропольский А. Н. Логико-гносеологический статус аналитических и синтетических суждений: Автореф. дисс. канд. философ. наук. – М., 1979. – 22 с. Французская стилистика. – Москва: Иностран. лит., 1961. – 394 с.
21. Халифман Э.А., Макеева Т.О., Раевская О.В. Словообразование в современном французском языке. – М.: Высшая школа, 1983. – 128 с. 21. Элтазаров Ж.Д. Усечение в узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарканд, 1992. – 21 с.
22. Элтазаров Ж. Тилдаги тежамлилиқ тамойили ва қисқарув. – Самарканд: САМДУ, 2004. – 111б.
23. Юсифов М.И. Экономия в системе языка (на материале азербайджанского языка): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Баку, 1978. – 24 с.
24. Jespersen O. The Philosophy of Grammar. – London: Alien & Unwin, 1951. – 359 p.
25. Whitney W. D. Language and the Study of Language. Twelve Lectures on the Principles of Linguistic Science. -N. Y., 1867. – 487 p.

MUHABBAT MONSEPTINI IFODALOVCHI LINGVISTIK BIRLIKLAR

Sa'dullayeva Madina Qosimovna – Buxoro Davlat Universiteti magistranti e-mail: madinasadul...@gmail.com (O'zbekiiston)

Annotatsiya: Ushbu maqolada muhabbat tushunchasi ma'lum bir tarzda butun jamiyat hayotining ko'p jabhalariga ta'sir qilishiga e'tibor qaratildi. Insonning ichki dunyosi, uning hissiy hayotining muhim tarkibiy qismlaridan biri bu muhabbatdir. Muhabbat – murakkab va noaniq hodisa bo'lishi bilan bir qatorda unda ma'naviy, shaxsiy, shuningdek, ijtimoiy omillarning kesishuvini ko'ramiz.